

ТАНГ ЙОЛДОЗИ

ТОНГ

№ 31

(6503)
1992 йил 8 июль
чоршанба
Баҳоси
30 тийин

ЎЗБЕКИСТОН
БОЛАЛАРИ ВА
ЎСМІРЛАРИНИНГ
ГАЗЕТАСИ.

НОЛДУЗИ

Газета 1992 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган.

Ренатни Нукус шаҳридаги техниклар станциясига етаклаган нарса аввалига шунчаки қизиқиш, ҳавас эди, холос. Лекин, тугарак раҳбари Гена ака Митиннинг олиб борган қизиқарли сабоқларими, тенгдошларининг техникага иштиёқлари тўртки бўлдими, машғулотларга мунтазам қатнай бошлади. Уч йил давомида олган билимларини тажрибада синаб, ўзи мустақил планетаход ясади ва уни «Дельфин» деб номлади.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамда Республика Ёш техниклар станцияси ҳамкорлигида ўтказилган «Коинот» республика ёш техникларининг конкурсидан Ренат ҳам ўз «Дельфин»и билан иштирок этиши ҳақидаги хушxabарни у ўзининг изланишларига берилган баҳо дея шодланди.

Конкурс қўтилгандан ҳам қизиқарлироқ, жонлироқ ўтди. Республикаимизнинг турли вилоятларидан келган ёш техника ихлосмандлари ўзлари ясаб келган космик моделларни кемаларни, планетаходларни, космик станциялари ҳамда космик қурилмаларини намоиши қилдилар, бир сўз билан айтганда, ўз «ихтиро»ларини ҳимоя қилдилар. Хоразмлик рус болаларининг хоразмча шевада сўзлашишида ўзбек болаларидан қолишмасликлари кўпчиликнинг диққатини жалб қилди.

Конкурс бўлганидан кейин албатта, ғолиблар ҳам бўлади. Совринли ўринлар ўз эгаларини топди. Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар ёш техниклар станцияси қатнашчилари «Келажак техникаси» кўргазмаси учун, Рафиқ Салимов эса «Мир» деб номланган сунъий сайёраси учун ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиб деб топилдилар.

Ренатнинг «Дельфин»и совринли ўрин ололгани йўқ. Шундай бўлса ҳам кичик ихтирочи ранжимади. Чунки у конкурсдан ғалабадан ҳам кўпроқ бой тажриба, янгиликлар, ҳамда бир олам таассурот билан қайтган эди-да!

Суратларда: 1. Нукус шаҳридаги Киров номи мактабнинг 7-синф ўқувчиси Ренат Жумабоев: «Хафа бўлма, «Дельфин»им — 2. Конкурсдан лавҳалар.

Р. АЛБЕКОВ суратга туширган.



РЕНАТ

ВА УНИНГ

«ДЕЛЬФИН»И



ТАШВИШЛИ МАКТУБ

Биз Чирчиқ шаҳрида яшаймиз. Шаҳримизда заводлар талайгина. Заводлар дейишимданоқ, нималар ҳақида ёзмоқчи эканлигимни сезгандирсиз. Ҳа, айнан заҳарли тутунлар ҳақида айтмоқчиман.

ТУТУН ҚОПЛАБ ОЛАДИ

Ҳар куни кечга бориб, атрофимизни сап-сарик тутун қоплаб олади. Бу ҳам етмагандек, унинг қўланса ҳиди ҳам бор. Ҳозирги кунда шаҳримизда кўплаб учраётган бўғма, астма, рак касалликларининг келиб чиқишида ҳам ана шу тутунларнинг «улуши» катта эмиш. Завод мўриларидан бурқисиб чиқаётган қўланса тутунларни йўқотишнинг, ҳеч бўлмаганда бироз камайтиришнинг иложи йўқмикан-а?!

Д. ХУСАНОВА,
Чирчиқ шаҳри.

Қисқа сатрларда

Фарғона темир йўли ишчи ва хизматчиларининг минг нафаридан зиёд фарзандлари ёш оромгоҳларда хордиқ чиқаришга, уйларида янги кийимларда қайтишадиган бўлишди. Бу хабарни ўз зиммасига олган темир йўлчилар тикувчилик фабрикасига унингта кўйдак учун буюртма беришди. Оёқ кийимларни эса Фарғона шаҳар дўйабзалчилари тайёрлайдиган бўлишди. Шу мақсадда 230 минг сўм маблар ажратилди.

Тула шаҳрида истиқомат қилувчи бир киши ўз почта қутисидан таҳдид мазмундаги хат олди. Унда кичик ёшдаги қизининг хавфсизлиги эвазига 1000 сўм пул талаб қилинган эди. Аниқланишича, бу талабномани унга қўшни яшайдиган, сочларига лента тақиб юрадиган мактаб ўқувчиси ёзган. Кичкина қизга шунча пул нима учун керак бўлиб қолди экан, деб ажабланаётгандирсиз. Гап шундаки, қизча фалон пул турадиган зотдор кучукча сотиб олмақчи бўлган.

«Семья» ҳафтаномазининг хабар қилишича, Костромо вилоятида жиноятчилик кундан кунга ривожланиб бормоқда. Ачинарли томони шундаки, жиноятларнинг кўпгина қисми 14-15 ёшли ўсмирлар томонидан содир этилмоқда. Вилоят ички ишлар бошқармасининг вояга етмаганлар билан ишлаш бўлими маълумотларига қараганда, ўтган йили ўсмирлар томонидан 2 қотиллик, 6 та талончилик, 24 та ўғирлик ва 35 та безорилик ҳолатлари қайд этилган бўлса, бу йилнинг дастлабки 3 ойи мобайнида эса содир этилган оғир жиноятлар 27,6 фоизни ташкил қилади.



УШБУ
СОНДА:

2-бет:

«Яшашдан тўйдим»

Ўн тўрт ёшли Витя
БИЗНЕСМЕН

3-бет:

«Аравамни ўзим
тортаман»

- Бу ҳаёт яшашга арзийдими?
- Йўқ.
- Ҳа.
- Билмадим...

МАКТУБ:

“Мен, Тожинисо Ишбобоева, Қарши тумани, Кутузов номидаги 28-мактабининг ўқувчиси (собик) сизларга биринчи маротаба мактуб йўллаб ўз дардимни айтмоқчиман.

Биз оилада ўн бир жонмиз. Асл туб жойимиз Тожикистонда бўлиб, баъзи сабабларга кўра бу ер — Қаршига кўчиб келганмиз.

Қуйида мен ўзимни таништириш баробарида “собик” деган сўзни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтдим. Бунга ҳайрон бўлманглар, чунки... яхшиси ҳаммасини тартиб билан айтиб берай.

Мен шу мактабининг 11-синфида ўқирдим, яъни битириш арафасида эдим, ниятларим, орзуларим бисёр эди. Оҳ, орзулар... энди ҳаммаси сароб бўлиб чиқди. Тўғри-да, тенгдошларим ҳозир мактабни битиришди. Мен эса...

Хуллас, мактабни битириш палласида касалхонага тушиб қолдим. (январь). Ҳақимларнинг аниқлашича, менда гастрит-опшқозон касаллиги бор экан. Дардимга шифо истаб шифтга тикилганимча ўн уч кун ётдим. Бироқ... уйда даволаниш учун жавоб беришди. Кўрпа-тўшак қилиб олдим, онам бошимда парвона. Тиловатдан бир кун тинмайди. Айтинг ахир, қачон бемор нажотвор сўзлардан тузалиб кетган?!

Бир кун иситмам юқори бўлса-да, мактабга бордим, лекин борганимга пушаймон бўлдим. Мактаб директорини Тўрақулова: “Мен сен тўғринида эшитдим: ўз-ўзингдан қўшиқлар айтармишсан, рақсга тушармишсан, алламбалолар деб гапирармишсан... Сен “психсан” мактабга келма” деди. Бу кўнгилга оғир ботувчи сўзларни бутун синфдошларим олдида айтди, изза қилди, ҳеч ким ёнимни олмади, бир сўз демади. Лекин уларни мен тушунаман.”

Келинг, бир зум чекиниш қилайлик-да, Тожинисонинг нимани тушунганлигига ойдинлик кири тайлик. Ота-она фарзандини тергаса, урса, сўкса, барибир фарзанд

уларни кечиради, чунки улар фарзандига умид кўзларини тикиб яшайдилар. Бироқ сени таълим-тарбия бераётган муаллиманг, синфдошларинг олдида таҳқирласачи? Шунда сен — хўрланган қалб муаллимангни (мактаб директори Тўрақуловани) кечира олармидинг, Тожинисо? Болалар, қизлар ўз дугонасини, ҳеч қуриса синфдошини

эш бўлиб менинг юрагим ҳам увишади. Кўксим узра нимадир чангал солади, бу — одамларнинг бир-бирига паст назарда қараши. Бошқаларнинг эса бунга бефарқлиги.

Фожиани олдиндан ҳис қила билиш — азоб.

Шунингдек, табиатдаги ўзгаришларни (масалан кузни) даставвал қушлар сезишади ва бир



ЁХУД ТОЖИНИСОНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

бундай ҳақоратдан ҳимоя қила олишлари мумкинмиди? Тожинисонинг шу каби “қотма” саволларга жавоби битта — ҲЕЧ ҚАЧОН!

“— Чунки, — деб аниқлик киритади Тожинисо. — Синфдошлар оддий ўқувчи эканликлари ва демакки, улар муаллимлар ўргатганларидек, фанларни “қоридек” ёдлашлари, гап қайтармасдан интизомли бўлишлари лозимлигини яхши биладилар. Ана энди ҳолис сўзни сиз айтинг, синфдошларим муаллиманинг сўзларига бўйин товламай, мени ҳимоя қилиша олармидилар? Яна бир марта қайтариб айтаман — ҳеч қачон!

Ўша кунди директорини уйга келиб, онамдан менинг “психлигим” тўғрисида тилхат ҳам ёздириб олди.

Шу-шу мактабга ҳам боролмай қолдим, ҳозир тўрт девор ичидаман — уй қамоғи.”

Мактуб менинг қўлимга келиб тушгандан буён Тожинисонинг сокин хўрсиниши ҳам, синиқ нигоҳи ҳам тасаввуримда аниқ жонланади: “Нажот бормикан?” — дея бетиним тўлқинланаётган юрагининг ҳар бир зарбини эпитамаман ва албатта, бунга

қадар хатарли кунлардан бежавотир бўлиш учун ўзга ўлкаларга учиб кетишади...

Хўш, Тожинисо қай бир фалокатга урғу бермоқда?

У ёзади:

“Демак, мен каби бемор, эзилган, хўрланган, бахтсиз одамларнинг аҳволи бутунлай нажотсиз экан-да? Уларнинг иши фақат жимгина тоқат қилишу эртанги кунга умид қилмаслик экан-да? Унда мен нима қилдим яшаб? Яшашдан тўйдим: фақат ўлимни ўйлайман...”

Танбалаган эшикка нажотвор тикилиб, мана шуларни битдим.

ТОЖИНИСО“.

Яшашдан тўйдим... Қадардан пайдо бўлди бу — кеча масъум жилмайиш билан ҳаётга гўдак мисол жон-жаҳди билан талпинган Тожинисонинг онгида “яшашдан тўймоқлик”? Мен ишонч билан айтишим мумкинки, унинг қўлидан ҳаётни тортиб олишган. Ким дейсизми? Ким бўларди — эзгулик, мурувват ва шафқатни унутган, инсоний фазилатлардан маҳрум бўлган одамлар-да!

Фаранг ёзувчиси А. Камю фалсафий эсселарида ёзади:

“Фалсафада биргина ҳаққоний

муаммо бор — бу ўз-ўзини ўлдириш муаммоси. Ҳал этиш керак — берилган умр яшашга арзийдими, йўқми? Демак, фалсафий томондан бу муаммога тамал тоши (жавоб) қўйилиши шарт. Хўш?

Менимча, бунинг икки методи бор — бири ўлим исканжаси, иккинчиси эса ўн барабар яшашга қизиқиш. Муқаррарлик ва шодлик бир-бири билан тенглашгандагина биз ҳамма нарсани ҳис қиламиз ёки тушуна бошлаймиз”.

Эзилган одамнинг яшашга ёки йўқликка қараб юз буриши аввало ижтимоий муҳитга, атрофини ўраган кишиларнинг муносабатига, шунингдек, ўзининг иродасига боғлиқ. Инглиз файласуфи Лак “Ҳеч қандай “туғма гоёлар” йўқ. Кишилар бутун билимини тажрибадан, ҳаёт йўлидан... олади” дейди. Бундан чиқиб айтишимиз мумкинки, яшашдан тўймоқлик унинг миясига бирдан келгани йўқ, балки бу “юз буриш” қадамба-қадам шаклланди, мустаҳкамланди ва кунларнинг бирида “ўлим” унинг онгида замбурғ мисол бош кўтарди. Ўз-ўзини ўлдириш — оғир фожа, бироқ унга ҳам бу заминдаги муаттар ҳидларни ҳидлаб, яқинлари дийдорига тўйиб, қувнаб яшаш завқи бегона эмас. Лекин... у ёлғон ҳаётдан тўйган, Достоевский қаҳрамони сингари “Ҳаёт — бутунлигича ёлғонлик устига қурилган” дейди.

Ана, худди шу ерда яхши одамлар мадади, дўстлар таскинни керак.

Хўш, сиз нима деб ўйлайсиз?

Бу ҳаёт яшашга арзийдими?

“— Ҳа, — деб жавоб беради Ж. Румийнинг тирик сатрлари. — Ўлимга юз бургинда, пардани чок эт. Лекин лаҳатга элтувчи ўлимнимас, янги руҳ яратувчи ўлимни танла”.

Бунинг маъноси жисмонан ўлимдан устун келиш ва янгича йўналишдаги яшашга йўлдир. Истардимки, Тожинисо ҳам шу йўлга юз бурса, атрофдагилар унга ёрдам берса, уни тириклик сари етакласа...

Шокар СУННАТОВ.

Ҳаммаси, бундан бир йилча муқаддам, Москвадаги ҳисоблаш марказларидан бирида хизмат қиладиган дадаси уйга эски, рўйхатдан ўчирилган, компьютерни олиб келган кундан бошланди. Эски бўлишига қарамай жуда яхши ишлаб турган компьютер билан бирга унинг хотирасига ёзилган матнларни кўчириб олишга мўлжалланган мослама ҳам бор эди. Худди ана шу мослама ёрдамида пул ишлаб топиш мумкинлиги ҳақидаги фикр Витяга тинчлик бермади.

Чунки Витя компьютерда ишлашни жуда ёшлик чоғларидаёқ ўрганиб олган эди-да. Ҳар кун ишдан кейин отасининг ишхонасига бориб, 3-4 соатлаб компьютер ёнида ўтирар эди. Аввалига қизиқарли ўйинлар ўйнаб ўтирар, лекин зумда ўйинлардан зерикиб қоларди. Кейинчалик Витя жиддий ишлар билан қизиқа бошлади. Деярли мустақил (отаси бироз кўмаклашарди) равишда дастурлашнинг — Бейсик ва СИ тилларини ўрганиб олди. Улар ёрдамида унчалик мураккаб бўлмаган дастурлар туза бошлади. Ўғлидаги қизиқиш шунчаки ҳавас эмаслигини пайқаган дадаси марказ архивидан ёки танишларидан ўғли учун зарур бўлган дастурларни келтириб бера бошлади.

Бир кун дастурларни кўздан кечириб ўтирган Витянинг диққатини дискетга ёзилган икки матн ўзига жалб қилди. Улардан бирига Армия командирларининг қувноқ ҳазиллари ёзиб олинган бўлса, иккинчиси эса олимларнинг айрим қизиқарли

ЎН ТҮРТ ЁШЛИ ВИТЯ BUSINESSMAN

фикрлари ёзилган дискет эди. “Этикларни кечкурун тозалаб қўйиб, эрта билан янги бошларга кийинг керак” ёки бўлмаса, “Мен сизларнинг сафингизга Кантемиров дивизиясидан келиб қўшилдим. Ўзингизга маълум, у ерда жиниларни ушлаб туришмайди” қабилида қизиқарли иборалар билан тўлдирилган матнларни ўзининг дискетига кўчириб олган Витя мактабдош дўстларига, ҳаттоки айрим ўқитувчиларига ҳам совға қила бошлади. Улардаги қизиқишни кўрган Витянинг хаёлига ажойиб бир фикр келди: “Жажжи китобчалар чиқариб, метрога кириш жойларида, автобус бекатларида сотсам-чи?”

Витя ўз фикридан қувониб, ҳар иккала матнни таҳрир қилди, орфографик хатоларини тузатди, саҳифалади, чиройли қилиб безатди. Кейин эса метронинг кириш жойларида туриб олиб ўз маҳсулотини сота бошлади. 50 тийиндан, 1 сўмдан сотаётган жажжи китобчалар зумда ўз харидорларига

эга бўлди. Савдонинг учинчи куниде Витянинг қўлида 30 сўм (ўша пайтда унчалик кам эмасди) пул тўпланди. Йўловчилар юз-кўзларидан нур ёғилиб турган қувноқ болакайнинг жажжи китобчаларини мамнуният билан сотиб ола бошлади. Витянинг ота-онаси унинг машғулотига қаршилиқ қилмасалар-да, ишлари бир маромда юришиб кетмади. Маҳсулот етишмасди. Қолаверса, болаларнинг савдо қилишларига кўникмаган милиция ходимлари Витяни метролардан ҳайдаб юборишарди. Секин-аста ишлари ҳам юришиб кетди. “Бирини ҳайдасанг, ўрнига иккинчиси келаверади” дея милиция ходимлари ҳам қўл силтаб қолишганда эса Витяга тўлиқ имконият яратилди, деса бўлади...

Витя кунига 4-5 соатлаб ишлайди. Ишлаб топган пуллари эса кўнгли тусанган нарсани сотиб олиши мумкин. Ҳар ойда ишлаб топган пуллари насаи йиғиб борапти. Орзуси — 20 йиллардан кейин яхши мотоцикл ёки машина

сотиб олиш.

Таътил кунлари эса Витя ўз фаолиятини янада кенгайтиришни режалаштирмоқда. Яъни қоғозларни арзонроқ нархда, кўтарасига сотиб олади, унинг маҳсулотларини тарқатувчиларни топади. Тенгдошлари билан осонликча тил топиша оладиган топқир, ишбилармон Витянинг бу юмушларни ҳам ҳеч бир қийинчиликсиз амалга ошира олишига шубҳамиз йўқ.

Улугбек АХРОРОВ
ўтирган



КИЧКИНА ОДАМ БИЛАН КАТТА СУХБАТ

Биз ўн тўрт-ўн олти ёшлиларга ҳам бола деб қараймиз. Ҳатто йигирмадан ошиб, бир айб иш қилиб қўйишса “ҳа энди, ҳали бола-да, ақли кириб қолар” дейишади. Лекин бола бошидан... деган нақл ҳам бор-ку. Болага бола эмас, кичкина ОДАМ деб қараш керак. Ахир ҳамма нарса болалик тасаввуридан бошланмайдими?! Бир кун келиб шу тасаввур оламшумул воқеаларни, ақлни шоширадиган мўъжизаларни етаклаб келади.

Марҳамат, кўпчиликнинг тилига тушиб, меҳрини қозонган бир “БОЛА” билан танишинг, у — Сардор АБДУҚУНДУЗОВ!

Сардор 1978 йилда Термиз шаҳрида туғилган. Биринчи синфни тавонлагандан кейин Тошкентга кўчиб келишади. Бу йил Кўчқор Турдиев номи 59-мактабнинг тўққизинчи синфига кўчди.

вери театр ёки кинога яқинлаша олмайдилар. Бунинг учун анча ҳаракат, кўп меҳнат қилишлари, таниш-билишлар керак...

Яна бир бахтинг — ота-онангнинг “театр одамлари” бўлганида, десам бўладими?

— Бўлади. Лекин одамнинг ўзида ҳам ҳаракат, интилиш бўлиш керак. Ният борми, унга интилиш ҳам лозим деб ўйлайман. Мен Термизда туғилган бўлсам, дадам фарғоналик. Қолаверса, “таниқли” болалар фақат шаҳарлардан чиқмас экан.

Сардордан: “Ўша ролларингни бошқа бола ўйнаганда сендан яхшироқ чиқара олармиди?” деб сўраганимда: “Албатта, менданам яхши ўйнаши мумкин эди” деб жавоб берди. Унинг бошқалар иқтидорини тан олиб, ҳурмат қила билиши мени қойил қолдирди.

— Нега энди хитой тилига?

— Мактабимиз хитой тилига ихтисослашган. Яна шарқшунослик билимгоҳи қошидаги пуллик курсда ҳам шу тилни ўрганишман.

— Бўш вақтларингда нималар билан шуғулланасан?

— Таэквандо билан. Яқинда сариқ белбоғ олдим. Яна масжидга қатнайман.

— Намоз ҳам ўқийсанми?

— Ҳа.

— Мактабда бўласан-ку, қанақа қилиб улгурасан?

— Бемалол улгурса бўлади...

— Нималарга қизиқасан?

— Кўп нарсага. Уйимизга бирор янги техника келдими, биринчи бўлиб қўлимдан ўтказаман. Овқат пиширишга қизиқаман. Унча-мунча овқат ҳам қиламан, ош дамлашни биламану ҳали мустақил

Йўл ҳаракати ёш назоратчилар- нинг XVI республика слёти

Яқинда Сурхондарё вилоятининг Салават ҳудудига жойлашган сўлим болалар оромгоҳида йўл ҳаракати ёш назоратчиларининг XVI республика слёти бўлиб ўтди.

Унинг йўл ҳаракатини тартибга солишчилар, ёш назоратчилар, тарғибот гуруҳлари, ёш пиёдалар уч кун давомида ўзаро беллашдилар ва тажриба алмашдилар.

Уларнинг ўз қўллари билан тайёрлаган радио орқали бошқариладиган транспорт воситалари мусобақаси, тарғибот гуруҳлари кўриги, асфальтга расм чизиб, “Светофор” макетини тайёрлаш мусобақалари ҳам слёт иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Слёт қатнашчилари Термиз шаҳрининг тарихий ёдгорликлари билан танишдилар. Слёт босқичларида тўпланган очколар йиғиндиси бўйича Термиз шаҳридаги 12-мактаб ёш назоратчилари 1-ўринни, Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги 3-, Бухоро вилояти, Бухоро туманидаги 34-мактабларнинг ёш назоратчилари 2-ўринни, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли шаҳридаги 13-, Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 1-, Фарғона вилояти, Олтиариқ туманидаги 38-мактабларнинг йўл ҳаракати ёш назоратчилари 3-ўринни қўлга киритдилар.

Слёт гоилибларига Ўзбекистон Халқ таълими, Ички ишлар, Автомобиль транспорти, йўл хўжалиги вазириликлари, Республика Қизил Ярим Ой жамияти Марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси Марказий Кенгашининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлари топширилди.

Ф. СОДИҚОВ



Ўғлимиз УМИДЖОН!
Сени туғилган кунинг билан чин қалбдан табриқлаймиз. Сенга боқий умр, бахт-саодат тилаймиз. Доимо омад сенга ёр бўлсин деб: Даданг Хайитохун, ойинг Ҳаётхон.

Назаровлар оиласи.
Сирдарё вилояти, Боёвут тумани, Боёвут разъезди.



Севиқли қизимиз ЗЕБОХОН!
Сен 10 баҳорни қаршилашинг билан оила аъзоларимиз чин қалбдан муборакбод этадилар. Сенга соғ-саломатлик, узок-умр, бахт-саодат тилаймиз.

Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Мурод Жўраев номи жамоа хўжалигининг Қозоқовул қишлоғи.

Бобоновалар оиласи.



Ойнаи жаҳонда унинг ижросида жонланган бир неча кўрсатувларни кўрарканман, ундаги болаларга хос бўлмаган “нимадир” мени ўзига тортади. Сардор билан суҳбатлашиш истаги ҳам ана шундан бошланди.

— Сардор, театрга қандай келиб қолдинг?

— Дадам Муҳаммадjon Абдуқундузов Ҳамза номидаги театрда актёр, ойим ана шу ерда гримчи-рассом бўлиб ишлайди. Уларнинг ишига қизиқдим ва 1986 йилдан буён шу театрда кичик-кичик ролларни ўйнаб келаман.

— Сен “Оталар сўзи, ақлнинг кўзи”даги ижронинг, “Заранг коса” видеофильмидаги Зиёджон роллари орқали томошабинларга ёқиб қолгансан...

— Мени шу ролларга таклиф қилгани учун режиссёр Мираббос ака Мирзааҳмедовдан миннатдорман... Кўпинча мендан “роль ўйнаётганимда ўзинг йиғлайсанми ёки кўзингга у-бу нарса суртиб оласанми?” деб сўрашади. Йўқ, ҳеч нарса сурмайман, ҳаммаси табиий бўлади.

“Заранг коса” намоиш этилганининг эртаси куни Ҳалима опам (ролдаги менинг ойим) бозорга гўштга борган экан, “қайнонангни шунчалик хор қилдинг”, деб гўшт беришмабди. Яна баъзан “Манзура Ҳамидованинг (ўшанда бувим бўлиб чиқувди) набирасимсан?” деб ҳам сўрашди. Йўқ, набирасимасман-у, аммо уларни қаттиқ ҳурмат қиламан.

— Сенга ўхшаган талантли болалар кўп. Бироқ улар ҳали-

— Сардор, кейинчалик ҳам кинода ўйнаш ниятинг йўқми?

— Йўқ. Лекин дубляжларда қатнашиб турибман. Ҳозиргача ўн иккита фильм дубляжида қатнашдим. Яқинда “Навигатор парвози” номли Америка фильмида Давид деган болага овоз бердим. Лекин актёр бўлиш ниятим йўқ.

— Нега? Ахир сенда актёрлик қобилияти, туғма талант бор экан-ку?

— Агар актёр бўлсам биламан, менга йўл очиқ. Бироқ мен буни хоҳламайман. Чунки бизда актёрлик меҳнати қадрланмайди. Битта образни яратиш учун ҳатто йиллаб тайёрланади-ю, арзимас ҳақ олади... Менга ҳозир майли-ю, кейинчалик ўз аравамни ўзим тортишим керак-ку...

— Унда ким бўлмоқчисан?

— Мактабни битириб, автомобиль йўллари олий билимгоҳида ёки шарқшунослик билимгоҳининг хитой тили бўлимида ўқимоқчиман.

тайёрлаганимча йўқ. Мактабдан бориб, уйларни йиғиштириб қўяман. Яна китобга, 200-300 китобдан иборат кутубхонам ҳам бор.

— Қандай китобларни ўқийсан?

— Саргузашт, эртақ китобларни ўқийман. Худойберди Тўхтабоевнинг “Ширин қовунлар мамлакатида” китобини яхши кўраман. Агар шу китоб асосида фильм яратилса, жон-жон деб Ақром ролини ўйнаган бўлардим.

— Сардор, ўзинг тенги болаларга қандай тилак билдирасан?

— Уларнинг имон йўлига киришларини истайман.

— Охирги саволим: нимани яхши кўрасан?

— Яхши одамлар даврасида бўлгим келади...

“Бир Сардор деган жуда яхши милиционер бор экан, ўшаларга ўхшасин деб исминни Сардор қўйишган экан” дегандинг. Мен ҳам сенга қайси касб эгаси бўлишингдан қатъий назар, келажакда яхши одам бўлгин, деб тилак билдираман.

Биз суҳбатимизни насиб этса, ўн йилдан кейин яна давом эттиришга келишиб, хайрлашдик...

Суҳбатдош ГУЛМИРА ҚОБИЛОВА

Суратда: Сардор АБДУҚУНДУЗОВ “Бобур” видеофильмида Жаҳонгир Мирзо ролида.



Ҳамма юртларда осмондан нур ёгилса, Бухорои Шарифдан эса кўк шуъла таралади, дейишади машойхлар. Шу боис бўлса керак, Бухоро тупроғидан кўплаб олим-фузало, ҳофизу шуаро етишиб

ойиси буни боғча опаси ўргатгандир, деб ўйлаган бўлса, боғчада эса бу шеърларни уйда ёдлатишган деб хаёл қилишган. Кейин маълум бўлдики, уларнинг ҳаммасини Ҳадиябонунинг ўзи тўқиркан. Унинг

ЖАҲЖИ ҲАДИЯБОНУ

чиққанки, уларнинг доғруғи то ҳануз шу кенг жаҳонни чулғаб келмоқда. Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Наршахий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳовиддин Нақшбандий, Хўжа ИсматБухорий, Аҳмад Дониш... Бу рўйхатни яна кўп давом эттириш мумкин. Албатта, авлодлар яшар экан, ўтган ота-боболар қони ҳам бугунги фарзандлар, неваралар, чеваралар юрагида уриб туради. Биз сизларга таништирамоқчи бўлган жажжи Ҳадиябону ШОМАНСУР қизи ҳам ана шу авлодларнинг бугунги кунда зоҳир бўлган ворисларидан биридир. Ҳадиябону эндиgina беш ёшга тўлди. У ёшига нисбатан жуда кўп шеър, қўшиқ билади. Дастлаб



шеърлари ойиси ва дадаси, қувноқ боғчаси, бароқ мушуги, беғубор ватиниқ осмон, қадимий Бухоро, катта бобоси ва худо берган илҳоми тўғрисида.

Унинг катта бувасини Бухорода Хожимардон Маснавийхон дейишарди. У киши тожик, форс, ўзбек, араб ва урду тилларида бемалол сўзлаша оларди. Демак, бу иқтидор қизимиз Ҳадиябонуга бобомеросдир. Мен

ва унинг шеърлари

унинг ёзган шеър ва қўшиқларини тинглаб, бу қизалоққа кўз тегмаслигини, унинг юрагида туғилган илоҳий илҳом янада жўш уриб, қайнашини тилаб қоламан.

Ғулом ШОМУРОДОВ.

ЭЙ, ОДАМЛАР!

Эй, одамлар, одамлар, Ёмонликни ташланглар. Яхшиликка интилиб Илм йўлини ушланглар. Қуръони Каримни сиз, Мутолаа қилингиз. Унинг ҳар бир сурасин Кўзингизга суртингиз ўшанда ҳар бирингиз Топурсиз ягона йўл. Ёмонликни ташлаб сиз Бўлурсиз озод ва хур.

ТУШИМДА

Бир кун тушимда бирдан Бобожонимни кўрдим. Бобожоним юзлари Анор мисол эрурди. Бошлари оппоқ қордек Тишлари дур-гавҳардек Соқоллари пахтадек Қўллари юмшоқ — пардек. Либослари ярашур Қоматлари чинордек. Имлаб мени чақириб: — Кўзингни юм, — дердилар, — Рухсат бермагунимча Очма кўзинг, — дердилар. Парвоз қилиб куш мисол Учиб келдик бир ерга — Энди оч кўзингни, —

деб,

Бобожоним айтдилар. Кўзим очиб ҳайратдан Каъбани кўриб қолдим. Каъба ажойиб экан, Юрак қувонар экан. Қувончимдан бобомни Қўлларин ўпиб олдим. Давом этди зиёрат Бирдан уйғониб қолдим. Тушим экан-да, дея Жуда ҳам хафа бўлдим. Қани энди ўнгимда Кўра қолсам бобомни Бобожонимни қучиб Дуоларин олурдим.


ТИЛАК

Беғубор осмонимни Қопламасин қоралик. Тинчлик бўлса заминда Ўсиб-улғаярдик биз. Боболар ҳикматини Қулоқларга қуямиз. Улғайганда барчамиз Улар ишин қиламиз. Қуръони каримни биз Қўлдан қўймай ўқирмиз. Амал қилиб унга биз Ҳақ йўлини топуर्मиз. Боболарим ҳикмати Қўл келади ўшанда. Бунёд қилиб маконни Яшаймиз хур Ватанда.




ЁШ БОЛАМАН

Ёш боламан ҳали мен Кўп нарсани билмасман. Аммо юрак сўзимни Жо қилурман қалбимга. Қалбим жўш уриб шунда Сўзлаб кетурман бирдан. Онажоним севинчдан Гангиб қолади бирдан. Қўрқма, менинг волидам, Сўз келганда қалбимга. Рағбат этгин сўзлашга Фикрим баён қилишга. Баёнларим поёнсиз, Ўзим билмасман чекин. Оллоҳ берган илҳомдан Завқим келади тонгдан. Оллоҳимга ҳамиша Таъзим бажо қилурман. Унинг номин авайлаб Қалбимга жо қилурман... Ҳадиябону ОЧИЛОВА, Бухоро шаҳри. Усто руҳи, кўчаси, 1-уй.



Хитой Халқ Республикаси, Шинжон Уйғур автоном туманининг «Торим гунчалари» ойнамасидан олинди.

Рассом Д. ПАРПИЕВА.



Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати:

В. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Т. ЭШБОЕВ,
А. КҲЧИМОВ, М. РАҲИМБЕРДИЕВА,
Т. КАРИМОВ, М. ПИРМАТОВ [масъул котиб].

Таъсис этувчи:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ

Бизнинг манзилгоҳимиз:
ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 700083,
ЛЕНИНГРАД КҲЧАСИ, 32-УЙ.

Газета ҳафтанинг чоршанба
ва шанба кунлари чиқади.

Маълумот учун телефон: 32-54-24

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-
матбаачилик концернининг босмахонаси.

Тошкент шаҳри, 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй
Чоп этиш вақти — 18.00.
Буюртма № Г-27. Нашр кўрсаткичи 64563.